

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

ИЖОДИНГИЗ РАВНАҚ ТОПАВЕРСИН!



М. Мирсодиқов туширган сурат.

Зангиота туманида Калонхоновлар оиласини ижодкорлар оиласи сифатида яхши танишади. Оила бошлиғи — Муроджон ака «Муштум» журнали бош муҳаррири ўринбосари, шоир, журналист, ҳажвчи. Мукамбархон опа ҳикмат-

гўй тарбиячи, уй бекаси. Тунгич қиз — Зилола таржимон, инглизча матнларни ўзбек тилига ағдаради. Уртанчи қиз — Шоирахон журналист, Ўзбекистон телерадио компаниясида ишлайди. Уғил — Равшанжон Халқаро ижтимоий экология универ-

ситетининг ҳуқуқшунослик куллиёти 4-босқич талабаси. Кенжатой — Муаттархон 5-синф ўқувчиси.

Оила аъзолари жам бўлганларида, айниқса, дам олиш кунлари суҳбат убаҳслар, албатта, ижод ҳақида бўлади. Оилавий танловдан яхши

утган асарлар эса матбуотга ҳавола этилади.

Мазкур ижодкорлар оиласи аъзолари қаламига мансуб асарлардан намуналар билан газета-мизнинг 8-саҳифасида танишасиз.

Мухтор Бек тайёрлади

**Бахт эрур фарзандни қобил
ҳам қулоғли бўлгани,
Жонга офатдир, бироқ,
манман, димоғли бўлгани.**

**Хулқу одоби билан ўсса,
юзинг ёруғ қилур,
Гар ёмон фёлли эса
кўнгилни доғли бўлгани.**

БАХШИ ЭРУР

**Эгри ўсган ҳар дарахт
чўпи яроқсиз, ноқерак,
Тўғри ўсган бўлса шулдир,
энг яроқли бўлгани.**

**Эссиз, исрофгар ўғил,
рўзгорни вайрон айлағай,**

**Лек тежамли бўлса бу
чўмични ёғли бўлгани.**

**Қақраган сахрою дашту,
қарбало кимга керак,
Бу жаҳоннинг кўркидир
яйловли, боғли бўлгани.**

**Қоп-қоронғу юзта уйга
қирма, кўнглинг яйрамас,
Соз эрур минг бора бир
уйнинг чироғли бўлгани.**

**Қайси фарзанд хуш бўлур деб,
эй Калон, сўрдинг, нетай,
Яхшидир дилли, имонли,
қўл-оёғли бўлгани.**

Мурод КАЛОНХОНОВ



АЁЛЛАР ЙИЛИ
ФАЙЗУ ШУКУҲИ

БАХТ ЎЗ
КЎЛИМИЗДА

Фаргона вилояти, Бувайда тумани ҳоким уринбосари, хотин-қизлар кумитаси раиси Мастура Зияева билан мулоқот.

— Мастура опа ташивлар чарчатиб кўймаптими?

— Эй, синглим, кабинетда утириб ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди. «Дехқон бўлсанг ер бошида, сипоҳ бўлсанг эл қошида бўл», деб қуйибди халқимиз. Туманимизнинг чекка бир қишлоғидан келаяпман. Ҳали 16 га ҳам тулмаган ёш бир қизчани ими-жимиди кувёга беришмоқчи экан. Қизни отаси билан гаплашдим, шароитни ургандим. Бола менки — хоҳласан узатаман, хоҳламасан йўқ, — деб туриб олди. Маҳалладан кексаларни қақирдим. Улар уртага тушиб, охири отани кўндирдиши.

Тўра қишлоғига юкни ҳам уз елкасига ортишлари учун ерга тиз чуккаган. Муаммонинг ҳам катта-кичиги бўлмаганидек, ҳар бирига ўз вақтида этибор берилса, олди олинсангундан-да каттароқ фожеалар келиб чиқмайди.

— Бугунги кунда олдингизда турган энг катта муаммолар нимада деб ўйлайсиз?

— Бизни уйлантираётган энг кийин масалалардан бири ёшларни

иш билан таъминлаш. Тўғри, туманимизда кўпгина корхона ва ташкилотлар фаолият курсатаяпти. Аммо тўғриси айтиш керак, уларнинг маошлари кўпгина ёшларимизни қонтирмайди. Ахир ёш оилалар ўзини тиклаб олиши учун ҳам меҳнат, ҳам маблағ керак. Шунинг учун Бувайда қишлоғида чевар хотин-қизларга мулкдорликнинг тикув фабрикаси иш бошлади. У ерда 500 дан ортиқ киз-жувонлар иш билан таъминланди.

— Ёшликда оилани сақлаб қолиш кийин. Кўпгина ёш оилаларда иқтисодий етишмовчилик муаммоси бор. Шу тўғриси улар ажрашиб кетаяпти...

— Тўғри фикр ташладингиз. Оиласидан нолиб юрган аёлларни курсамб бир томондан ич-ичимдан эзилман, бир томондан аччиланман. Инсон ҳамма нарсага ўзи сабаби. Унинг бахтини ҳеч ким яратиб бермайди.

Туманимизнинг 30 мингга яқин аҳолисини ёш оилалар ташкил этади. Улар билан ишлашда маҳалла фуқаролар йиғинларига, кекса ота-онахонларимизга суянаемиз.

Мастура опа билан суҳбатлашиб қайтар эканман, кўнглим недандир гурғурга тулди. Чунки мен бугун юрагимда яна бир меҳнаткаш, узғар дарди билан ёниб яшовчи Аёлни, онани кашф этдим.

Ҳа, бугуннинг аёли кўп нарсага қодир, уқтам, азамат аёл...

Нигора АЛИШЕР қизи суҳбатлашди.

ЭРТАНИНГ
ЖАВОБИ...

Биз нимаики ишни амалга оширмайлик, уларнинг ҳаммаси эртанги кунимизга хизмат қилади.

Кўни кеча Тошкент шаҳар ҳокимияти хотин-қизлар кумитасида бўлиб ўтган пленум ҳам худди шу мақсадга қаратилди. Унда «1998 йил якуни ва 1999 — Аёллар йилида хотин-қизларни иқтисодий, иқтисодий, маънавий, сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги вазифалар ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Шу асосда йил да-

вомида амалга ошириладиган иш режаларига янги узгаришлар киритилди.

Пленумни Тошкент шаҳар ҳокимининг уринбосари, шаҳар хотин-қизлар кумитасининг раиси Ф. Абдурахимова бошқарди ва маъруза қилди. Маърузачи қўлга киритилган муваффақиятлар билан бир қаторда айрим туманлардаги хотин-қизлар кумиталарининг ишни тўғри ташкиллаштириш олмаётганликларини кескин танқид қилиб ўтди. Барча хотин-қизларни фаолликка чақирди. Зеро, эртанинг жавоби эгнимизда қолмасин.

Ўз мухбиримиз



ФАРҒОНА. Андижонлик Дилмурод Мирзақосимов «пул бўлса самоддаги юлдузни қўлга кўндириб мумкин» дегувчилардан эди. Шу боис икки минг етти юз АКШ долларини ҳамёнига жойлаб, «Фаргона-Нукус-Москва» йўналиши бўйича қатнов-

гўштни қўшни Қирғизистон Республикасига олиб ўтаётиб кутилмаганда ўзи божхоначиларга «гўшт» бўлди.

Кўқон шамолнинг қаҳри қаттиқ. Бир қури тирса, бошдаги дўппи тугул, томинг шиферини ҳам чархалаб қилиб юбориши ҳеч гап эмас.

Табиатнинг ана шундай инжиқликлари сабабми ёки бошқами, ишқилиб, Кўқон музофоти атрофида томига шифер қадалган уйлар кам учрайди. Шу боис бу қурилиш

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

чи самолётда самовий саёҳатга отланмоқчи бўлди. Бироқ учувчи йўловчилар 1-сонли «Аэропорт» божхона маскани ҳодимлари томонидан назоратдан ўтказилганда чучварани хом санаган юртдошимизнинг орзу-си армонга айланди-қолди.

ТОШКЕНТ. «Сувники сувга, ўтники ўтга кетади» деганларича бор экан. Хамюртимиз Е. Турдимухаммедов 45 килограмм

материалига эҳтиёж сезилмади. Бошқа жойларда эса унинг бозори чаққон. Айниқса, Неъмат Қаримовга ўшаган ерининг тағида илон қимирласа сезадиган тижоратчилар буни яхши билишади. У 116530 сумлик 270 дона шиферни автоуловга ортиб, тонг сахарда йўлга чиқди. 4-сонли «Фаргона» божхона чегара масканига бехатар келди. Кейин эса...

Комил ТОШ, Мухтор БЕК

Шу куннинг сўзи

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒДИР

Президентимизнинг матбуотдаги, радио-телевидениедаги ҳар бир чиқишларини, суҳбатларини оиламиз аъзолари билан доимо жон қулгоғимиз билан тинглаймиз, ўқиймиз. У кишининг мустақил республикамиз, халқимиз ҳаётининг турли жабҳаларини қамраб олувчи оддий, самимий, дилкаш, меҳрли сузларидан, фикру уйларида қувват олгандай бўлаемиз, бугунги кунимиздан қониқиб ҳосил қилаемиз. Ерўз келажакка умиду ишончимиз ортади. Айниқса Президентимизнинг Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан телевидение орқали чиқишлари меннинг юрагимдан маҳкам жой олди, вужудим фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб тошди. Бунинг боиси бор албатта. Биз инсон қадр-қийматини, инсоний муносабатларини турмушимизда ҳамма нарсадан устун қўйгунчи халқимиз. Биз яна утганлар хотирасини муқаддас билаемиз, қадрлаймиз, ёдлаймиз. Президентимизнинг ҳар йил 9 майни юртимизда Хотира ва Қадрлаш кўни сифатида нишонлаш ҳақидаги тақлифларини алоҳида бир ички қониқиш билан қабул қилдим.

— Биз утганларни хотирлабгина қолмасдан балки ён-веримиздаги дўсту қадрдонларимизни ҳам эъозлашимиз, ҳурматини жойига қўйишимиз лозим. «Қадрлаш» бу фақат уруш қатнашчиларинигина эмас, қарияларимизга, қариндош-уруғларимизга юксак ҳурмат, эҳтироимиздир, — дейди Президентимиз.

Мен пайтдан фойдаланиб шу муносабат билан кўнглимдан кечган уй-фикрларим билан ҳам уртоқлашсам. Юртбошимиз И. А. Каримов бошчилигида (мақташ эмас), тинч-тотувлик билан Ўзбекистонимизнинг дунё миқёсида ўз

ўрнини эгалламоқда ва ривожланиб бормоқда. Энг аввало уруш бўлмасин дейман. Чунки меннинг ўзим Афғонистон урушини қурдим. Бу урушда қанчалаб тенгдош ёр-дўстларимиздан айрилдик, қанчалаб йигитларимиз ҳам унинг жафосини чекмоқда. Менинг тилагим ушундай кўнларни биз қурдик, болаларимиз қўрмасин. Эл-юртимиз тинч бўлса захираларимиз кўпайса, давлатимиз ҳам, одамларимиз ҳам бойиди. Тўғри турмушимизда муаммолар йўқ эмас — бор. Лекин менинг фикримча бу утқинчи ҳодиса ва ҳали ҳаммаси ўз изига тушиб кетади. Бунинг Аллоҳдан астойдил тилайман. Биз бир тан бир жон бўлиб, шоир айтганидек «Авал Ватан, кейин жон деб» яшашимиз керак. Ватан учун, Ўзбекистон учун қўлимиздан келганича меҳнат қилайлик.

Узим II гуруҳ ногирониман. Соғ пайтларимда далага чиқиб турмуш урғогимга ёрдам берарман. Экинларга ишлов берарман, пахта терарман. Чин дилдан меҳнат қилсам, бир-биримизни қадрласак, яхши фаровон кўнларни турмушимизда албатта, барқарор этамиз.

Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашида астойдил ҳисса қўшаётган (яна қайтараман бу сузлар мактов эмас) юртбошимизга узоқ умр, соғлиқ, бардамлик, юрт равнақи йўлида бобоқалонимиз Амир Тўмурдек гулиб яшашларини Аллоҳдан астойдил тилайман.

Абдурахмонов Абдусоли Маннопов ўғли, Афғонистон уруши қатнашчиси, II гуруҳ ногирони.

«ЁЛГИЗ ЁДГОРИМ»

Ўзбек томошабинига фалсафий мушоҳадага бой асарларни тақдим этган ёзувчилардан бири Хайридин Султонов. Шу кўнларда унинг режиссёр С. Назарқаматов билан ҳамкорликда ишлаган «Ёлғиз ёдгорим» фильми экран юзидан кўрди.

Фильмининг бош қаҳрамонлари Адаш бува — Тоживой Норматов, Ойниса кампир-Дилбар Икромовлар томонидан ижро этилган образлар томошабинлар кутганидан ҳам таъсирлироқ чиққан. Фильм аввал бошиданок инсонни уйлашга ундайди. Адаш бува асарнинг тугуни ечилгунига қадар ҳар сафар бомдод намозини гурқираб ўсиб турган дарахт тағида ўқийди...

Ойниса кампир Адаш бувани 20 йил кутади. Бир кўни у Ойниса, нега мени шунча йил кутдинг. Ахир бошқага текканингда шу пайтгача 2-3 болали буларимизнинг? — дея сураганида.

— Ахир сизни қамашмасидан олдин нон синдирилганди-ку.

Отам «фотиҳа худонинг амри», — дея васият қилган деган жавобни берганида, бу гаплардан таъсирланган Адаш бува: — Эй, Ойниса ҳали жуфти халолини тупроғи совумай ўзганинг кўйинга кирганлар, имонини ютиб етимнинг нонини еб юрган кимсалар ҳаётда озми? — дейди. Бу гаплар аслида ёзувчининг Адаш бува орқали бизга етказмоқчи бўлган оғриқли фикрларидир.

Фильм сунггида Адаш буванинг ёлғиз ёдгори Насимбекни дустри Саттор отиб қўяди. Севгининг қудрати шунчалар кучли эканки, у истаса инсон қўлига гул, истамаса пичоқ тутқазди.

Ҳали чимилдиққа кирмаган, «ёр-ёр» садоларидан эриманган Насимбек ҳаётдан кўз юмади. Уша биз юқорида тилга олган дарахт ловуллаб ёниб кетади. Демак, отанинг умиди, қувончи ҳаммаси тугайди. Ҳаёт эса давом этаверади...

Н. ЙҮЛДОШЕВА

АЁЛ — ОИЛА ТАЯНЧИ

«Конрад Аденауэр» халқаро фонди, «Аёл ва жамият» институти ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кумитаси ҳамкорлигида Бектемир туманига қарашли «СУВМАШ» заводиди «Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Бош Вазир уринбосари, Республика хотин-қизлар кумитаси раиси Д. Гуломова аёлларнинг ҳуқуқий бидимларини ошириш, келажакимиз вояслари бўлиш фарзандларимиз тарбиясида эътиборсизликка йўл қўймаслик

борасида маъруза қилди.

Шунингдек, «Аёл ва жамият» институти бош директори Н. Муравёва, Тошкент шаҳар ҳоким уринбосари, хотин-қизлар кумитаси раиси Ф. Абдурахимова, Ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Д. Алимбекова, Бектемир туман ҳоким уринбосари, хотин-қизлар кумитаси раиси Х. Мирзажонлар, завод бош директори Игорь Александрович Пророков «СУВМАШ» заводи хотин-қизлар кенгаши раиси Б. Мирзатовлар ҳам сузга чиқдилар.

Н. РАҲМОНОВА

Агар бошимга тушган кулфатлардан бир чимдиминигина эшитганингизда ҳам менинг шикаста дилимни, афтода ҳолимни тушунган булардингиз.Токи, ҳеч бир кимса пировардида мен каби «юзлар сомондек саргайиб, сузлар эрмакка айланиб, дусту душман кулгусига сабаб» бўлиб юрмасин.

... Ҳарбий хизматдан қайтиб келганимда курсдошларим охириг боққичга утиб олишган, табиийки, мен ўқини учинчи боққичдан бошлашим керак эди. Гуруҳдагилар билан тезда тил топишиб олдим. -Йигитларга нисбатан қизлар бир неча барабар куп бўлиб, уларнинг ҳаммаси гузал бўлмаса-да, узининг камсукумлиги, ҳеч кимнигика ухшамаган табияти, одоб-ахлоқи-ю, меҳнатсеварлиги билан Саодат купроқ ёкарди. Тақдиримиз кушилган эканми, тез орада ота-онамнинг қистови билан туйимиз бўлиб ўтди. Аммо ҳамма интиқиб кутадиган биринчи кечадан менинг кунглим тулмади. Гарчанд ва Саодатга ва на янгаларга буни сездирмаган бўлсам-да, кунглимнинг бир четида шубҳа уйғонди...

Орадан йиллар ўтди, болаларимиз улғайди. Улар билан бирга дилдаги шубҳа ҳам улғая борди. Гумоннинг йимондан айришини, шубҳалар шамасига қулқ солмаслик лозимлигини билсам-да, ортқ чидаёлмадим. Кунларнинг бирида узоқ йиллар давомида юрагимни кемириб ётган бор шубҳа-ю гумонларимни Саодатга очқ-ойдин айтдим. Қизиги шундаки, у на инкор қилди ва на бошқа аёллардек вағво кутарди. Фақатгина узининг Оллоҳ олдида юзи ёруғ эканини,

«ҚАДРИНГИ БИЛМАДИМ, ЭЙ БИРИНЧИ ЁР»

менга турмушга чиққунга қадар эркак зотиға эйтибор қилмаганини айтиб, холос.

Шу кундан бошлаб азобли ҳаётим бошланди. На еган ичганимда, на туриш-турмушимда хузур-ҳаловат қолди. Ахйир, ажралишга тугри келди. «Улсам-да мен билан улимга тайёр» Саодат яна «багри кенглик» килди: «Фақат уз шубҳаларингизни деб болаларингизни етим, мени есир қилмоқчи бўлсангиз, ихтиёрингиз узингизда. Аммо мен сизни деб ота-онамнинг раъйига қарши боргандим, энди уйга уч

Афсуски, унинг даъволари биринчи кечадаёқ пуч бўлиб қичди. Энди мен нима қилай?! Бошимни қайси деворга урай?! Буйни нима узи?! Тақдирнинг шум уйинини ё гаддор фалакнинг мендан олган учи?! Уша бахтимдек қаро тунда навжувон малак эмас, мен йилгадим. Юзларимни тирнаб, этларимни узиб-узиб йиғалрдим. У бўлса худди ҳеч нима руй бермаган-дек кузларни лўқ қилиб утираверди. Нима ҳам қила олардим. Дардим ичимда эди, яна-да ичимга ютдим...

Эл назарида ёш қизга (жу-

Узинг пиширган ошни-ай-ниб ҳам, ўргилиб ҳам узинг ичаркансан. Ноилжоб ҳаммасини ичимга ютишга мажбур бўлдим. Куриб курмаганга, билиб билмаганга олдим. Аммо одамзот темир эмас экан. Бир куни ағдарилиб тушдим. Энди улсам керак, девдим. Йўқ, ҳали умрдан қолгани бор экан. Аввали худо, қолаверса, шифокорлар сабаб бўлиб, омон қолдим. Энг муҳими, уша ерда ҳақиқатнинг тағига етдим.

Кунларнинг бирида мени даволаётган профессор олдиға қақриб, мен билан узоқ суҳбатлашди. Бошимдан утганларни диққат билан тинглайтиб дабдурустдан биринчи хотинимнинг қайси куни туғилганини суриштириб қолди. Айтўдим, у негадир қулимсираб, «қачон бизнинг содалагимиз қолар экан-а», деди.

Мен на йиғлашганим, на қулишимни билмасдим. Наҳотки, тақводор оилада тарбия қурган, покиза бир инсонни уз шубҳаларим билан шунчалар қийнаб қуйган бўлсам? Узим-чи! Узим қанчалар эзилдим? Уз ёғимга узим қанча қоврилдим? Умримнинг энг гузал онларини гумонларга ем қилмадимми? Утгани ўтди! Буладигани бўлиб, бўёги синиб булди. Аммо энди нима қиламан? Энди бор гуноҳимни буйнимга олиб, бориб оёғига урсам, Саодат мени ке-чирармикан?! Сиз нима дейсиз, азизлар?!

Темир ҚУРБОН.

«Кунларнинг бирида»

болам билан қайтиб боролардек гоз юравердим. Аммо қарққа чиқмай қаддим букилаётганини, юрагим урнида пайдо бўлган зардоб халтасининг кундан-кун тулиб бораётганини ич-ичимдан ҳис қила бошладим...

Хуллас, биз уруш — жанжалсиз, ортқча гап-сузларсиз ажрашдик. «Хижроннинг қарида тош қотган танам»га ором бағишлашни уйладимми ё буюм тақдиринг иши эканми, узимдан бир мучал ҳисобда кичик қизга уйландим. Олдинги уйланишимда йўл қуйган хатойимни такрорламаслик учун уни узимча обдон суриштириб билдим. Қизнинг узи азиз аёллардек номи билан минг бора қасам ичди. Мени чиндан севишини шунинг учун ҳам узидан ўн уч ёш катта одамга турмушга чиқишга рози бўлганини пеш қилди...

вонга эмас?!) уйланган йигитлардек гоз юравердим. Аммо қарққа чиқмай қаддим букилаётганини, юрагим урнида пайдо бўлган зардоб халтасининг кундан-кун тулиб бораётганини ич-ичимдан ҳис қила бошладим...

Аммо булар ҳали ҳолва экан. Томошанинг каттаси кейин бошланди. Аввалига у хонимча уз ишини баҳона қилиб кеч кела бошлади. Кейин дугоналариникида ётиб қоладилик одат чиқарди. Кундан-кунга узгаариб, янги-янги қилиқлар пайдо бўла бошлади. Оқибатда иш шу даражаға бориб етдики, куча-қуйда бош кутариб юролмайдиغان бўлиб қолдим. Аввалига, менга турмушга чиққунга қадар маишат қилган «ака»лари билан дон олишиб юрган хонимча энди бошқаларни, ҳатто маҳалладаги ёш-ялғини ҳам уз турига илтириш пайига тушиб қолибди...

Куз. Ҳазон фасли. Мен эса хонамнинг деразасидан афроға боқиб дарахт бутқаларидан узилиб тушаётган барглarga боққанча табият ва одам уртасидаги боғлиқликнинг сирини англашга ҳаракат қиламан. Шунда ҳар сафар отажон, Сизнинг доно гапларингиз қулоғим остида жаранглайди: «Қизим, бу оламда барча ҳодиса-нарсалар бир-бири билан боғлиқ. Олам-табиати, ерни қанчалик севсанг, меҳр кузи-ла парвариласанг, сен ҳам қадр топасан, эйтиборли шахс бўласан. Ҳар қандай яхши номга эга бўлмоқчи бўлсанг, меҳр-мурувватли, қийинчиликлардан қучмайдиغان, меҳнаткаш инсон бўлиш учун ҳаракат қил!»...

Отажон! Ҳар сафар шу табаррук «ота» сузини эшитганимда қуз олдимда Сизнинг меҳнат қилиб чарчамаган кулларингиз, дала кезиб, оламга, ерга, инсонларга боққан меҳрли қарашларингиз ва ҳориб-толиб ҳужалик юмушларидан чарчаб келганингизга қарамасдан биз ўғил-қизларингизни олдингизга қорлаб, мактабда қандай билим олаётганимиз билан қизиқганингиз, тегишли маслаҳатлар берганингиз келади.

Гарчи қиз бола оилада купроқ онаси билан сирдош бўлса-да, лекин мен сиз каби инсон бўлишга, Сизнинг оқил маслаҳатларингизни купроқ эшитишга, Сиз курсатган йўлдан юришга узимда бир хоҳиш-истак сезардим.

Шу сабабли бўлса керак мен ҳаётимни Сизсиз тасаввур эта олмасдим. Сизнинг бақилмас иродангиз, айтган сузингиз устидан чиқиш

СОҒИНЧ

Отам Абдуқодир Шуқуралиевни эслаб

учун ҳаракат қилганларингиз («Арслон узидан, йигит суздан қайтмайди», — мақоли Сиз кабилар учун айтилгандай), йиллик пахта режаларини бажариш арафасида уйгада келмасдан ишлаганларингиз қуз олдимдан кино тасмасидай доимо ўтади.

Отажон! Оилада 10 фарзанд бўлса-да, баримизни бирдай қуриб, урни келганда эркалатиб, гоҳида қилган тупалларимиз учун берган танбеҳларингиз ҳамон қулоғим остида.

Онажоним (жойлари илоҳим жаннатда бўлсин) доимо бизларга: «Ота рози — худо рози», дердилар. Отангиз кунглини оргитманглар, уйга чарчаб-ҳориб келганида чарчоғини узингизнинг чиройли хулқингиз, муомалангиз билан чиқариб юборинглар», дердилар. Азиз онажонимиз-отажонимиз! Бугун шу нарсаларга аминмики, биз Сизнинг фарзандларингиз ҳаётда нимагаки эришган бўлсак, бу Сизлар тўғайлидир.

Ҳаёт, турмуш суқмоқларидан ҳар инсон ўзи учун тўғри йўл танлашга интилади. Сизлар биз танлаган йўл бошида ёниб турган чирокларимиз эдингиз. Сиз очган йўл, Сиз курсатган йўлдан юрган фарзандларингиз уғитларингизга рияз қилиб, қаерда, қайси лавозимда ишламоқчилиги Шуқуралиевлар номини улуглашга ҳаракат қил-

моқдалар. Отажон! Бугун гарчи, узимнинг 20 ёшли ўғлим ва воғна етаётган қизим-фарзандларим бўлса-да, мен Сизни соғиниб яшамоқдам. Бу соғинч сиз севиб истеъмол қиладиган па-

ДИЛ ИЗҲОРИ

ловни дамлаётган чоғимда, Сиз севиб эшитадиган Маъмуржон Узоқов ижросиданги қушиқларни тингланганимда, Сиз меҳрла ардоқлаб етиштирган пахта йиғим-терими даврида мени узоқ ҳаёллар оғушиға тортади. Шунда менда бор расмларингизни қулимга оламан-да, узингизга қарайману туб-тубида қуринаятган нурдан узимга куч, дармон олгандай бўлман. Юзингизга термуламан, меҳр-мурувватли, меҳнаткаш инсонингиз тимсолини кургандай бўлман.

Фарзандларимга, жиянларимга боқаману уларда Сизнинг фазилатларингизга ухшаш фазилатларни қидираман. Ух-шашлик томонларини топганимда Сизнинг эккан яхшилик уруғингиз авлодларингизда давома таётганидан бениҳоя хурсанд бўлман.

Отажон! Ҳар жума куни туш-лик қилиш учун уйга келаётган чоғимда оқ яқтакли муйсафид отахонларни курганимда узим билмаган ҳолда Сизни улар орасидан излаб қоламан. Ва ҳар сафар бу қидириш бе-

самар кетишини билганим ҳолда намозхон отахонлар ортидан соғинч қуз ёшила қараб қоламан.

Отажоним! Сизнинг бу оламни тарқ этиб чин дунёға кетганингизга мана ўн бир йил тулди. Ҳаётининг бир сония, бир дақиқасини сизсиз утказишини тасаввур этиб олманг қизингиз 11 йилдан бери Сизсиз, лекин Сизнинг фикр ҳавлингиз билан, Сизни соғиниб-соғиниб яшамоқда.

Отажон! Сиз онам билан биргалликда бизларни 10 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб улғайтирдингиз, эл-урт хизматига камарбаста қилдингиз, инсонлардан эшитаятган ҳар бир раҳматимиз Сизлар берган тарбия учундир.

Мен шу ўринда барча фарзандларга қарата йитмоқчиманки: Азиз замондошим! Сизни ёруғ оламга келтириб, воғна етказган ота-онангиздан уз вақтларингизни қизганман, тез-тез хабар олиб туринг. Қўлингиздан келганича хизматларини қилшга, зиммаларидига юмушларини олиб, уларнинг дуосини олишга интилинг. Зеро, улар билан ўтган ҳар бир кунингизни энг бахтли кун деб билинг. Бахтли кунларингиз илоийм куп бўлсин.

Отажон! Мен сизнинг ва онамнинг жойларингиз жаннатда бўлишини ҳар сафар Яратган эгамдан тилаб қоламан. Рўҳларингиз менга мададкор бўлсин, фарзандларимни сизлар каби тарбиялашга ҳаракат қиламан.

Сизни соғиниб-соғиниб, армонла яшаётган қизингиз,

Саодат ШУҚУРАЛИЕВА

Яхшилардан сўз очдик МЕҲНАТ ҚИЛГАН ҚАДР ТОПАДИ

Косонлиқлар бир парча ерни ҳам қадрлайдиган халқ. Ҳамал келиб ерга амал кирди дегунча деҳқонда тиним йўқ. Чунки меҳнат қилган одам ҳам халқини туйдиради, ҳам бола чақаларининг ризқини ҳалоллаб едиради. Одам табиатга меҳр билан қараса, уни ўз мулки деб билса, табиат ҳам ундан ўз эҳсонини аямайди.

Туман ҳокими уринбосари А. Ибрагимов биз билан суҳбатда шундай деди:

— Кишиларимиз она заминга меҳр билан муносабатда бўлишни, астойдил ишлашни ургандилар. Боқимандалик кайфиятидан қутулдилар. Ҳар бир одам раҳбарим, сувчимни, ким бўлмасин вазифасига маъсулият билан қарайди. Биргина мисол: Уктам Халиловлар оиласида ўтган йили етиштирилган қуқатларнинг узидан саккиз юз минг сум даромад қилинди.

Энг муҳими фарзандларнинг ҳам оилада узларига тегишли юмушлари бор. Уларнинг умуман буш вақтлари бўлмади. Меҳнат қилган одам ҳаминша элда қадр-қиммат топаверар экан.

ИСОҚ САТТОРОВ Қашқадарё

АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ

ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК ҚАЙТАДИ

Бу воқеа 80-йилларда руй берган. Афрон уруши даврида узимиздан хизматга борган бир узбек йигит ананонданнинг боласини топиб олади. Дунёда энг узун илон ананонда ҳисобланади. Орадан бир йил ўтади. Илон ҳам каттариб кетади. Уша йигитнинг хизмати тугайди ва уйига кетмасидан олдин унчача хизматдошлари билан озорқ байрам қилишади. Кейин у йигит ошоҳанага илоннинг олдиға қиради ва унга: «Мен яқин кунларда уйга кетаман, сени олиб кета олмайман, ташлаб кетаман», — дейди. Шундан сунг илон уни ураб олади. У бўлса ҳеч нарсасига тушунмай долдайди. Илон уни товущи чиқмаслиги учун маҳкамроқ қисади. Унинг доллаганини ширакайф дуслари эшитмайди. Йигит узага-узи «Шунча уқ улдира олманг мени, узим боққан илон улдира экам», деб тақдирга тал бериб туравереди. Бир соатдан кейин илон уни қуйиб юборибди. У югуриб дусларининг олдиға борибди. Не қуз билан қарчинки, ҳамма дуслари кушқаниб ташланган эди. У илоннинг олдиға кирган вақт душманлар унинг дусларини чавақлаб кетишган экан. Буни олдиндан сезган илон йигитни ураб олган экан. Қара-н, шундай совуқ жонзотда ҳам меҳр бор экан.

Лекин баъзи инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатни йўқлиғига қараб уйлайман: «Наҳотки, табиатнинг энг ақлли жонзоти, яъни одамлар бир илоҳалик була олмаска».

Келинлар, юртдошлар, орамиздан ҳеч вақт меҳр-оқибат йўқолмасин.

Шерзод Ҳолиқов

ТУРМУШИМДАН РОЗИМАН, АММО...

Мен оқ либослар кийиб 21 ёшимда отамнинг розилиги билан турмушга чиқдим. Бу оилада ахшими ёмонми 6 йил яшадим. Бироқ фарзанд кўрадим. Бунга ким айбдор, фақат Яратган эгамга аён. Шундай қилиб, отамникига келдим. У ерда ҳам 1,5 йил қандай яшаганим Аллоҳга маълум. Бошимдан нималар утганини ёзсам, битта китоб булади. Буни ёзишнинг кераги йук, деб ўйлайман.

Хавфда яшаш учун курашиш, сабр тоқатли бўлиш, иродали булмоқ лозим экан.

Мен ҳам ТошДуда ўқидим. Нашриётда ишладим. Ҳозирда болалар тарбияси билан машғулман. Дунёда инсон, ҳаттоки кўрт-қумурсқалар ҳам тоқ яшамас экан. Онам ҳамини айта эдилар: «Қизим, қизимни очиклигида турмуш қур, аёл кишининг 41 чироғи булади, бири ёнмаса бири ёнади. Мен ҳам набираларимни бағримга босай, уларнинг тўйини, сени хурсандлигингни қурай», — дердилар. Турмушга чиқдим ҳам, бироқ фарзанд кўрмадик. Ота уйимга қатиб келдим. Бир кун...

Мен билан ишлайдиган бир аёл буларди. Шу аёл менга — «Синглимизни узингиздан катта опангиз борми? Яқинда бечора бир аёл 3 бо-

ласини туққандан сунг оламдан кўз юмди», — дедилар. Мен, «Йук, оилада энг катта фарзандман», — дедим. Боллага ташналигим, зорлигим туфайлими болаларга ич-ичимдан жуда ачиндим. Қисқаси, тақдир эканим, у йигит билан учрашдим. Мен унга биринчи суҳбатдаёқ мақсадимни тушунтирдим. Фарзандга зорлигимни, фарзанд кўрмаганимни сузлаб бердим.

Кейинги сафар болаларини олиб келишини илтимос қилдим. У рози бўлди. Келишилган кунда «Амир Темуру» хиебонига келиб турдим.

Орадан сал вақт ўтмай орқамдан «ОПАЖОН» деган товушни эшитдим. Орқамга қарадим у жойимда қотиб қолдим. Юришга мадорим етмади. Шундай бўлса ҳам узимни кулга олдим-да у томонга юрдим. У сочлари жамалаккана, ширингина, 5 ёшлардаги қизалоқ эди. У мени бағримга отилиб, «ОПАЖОН КЕЛДИНГИЗМИ?» «ҚАЕРЛАРДА ЭДИНГИЗ?» — деб йиғларди. Мен ичимдан, вужудимдан келаятган йигини зурга ушлаб, уни юз-

кўзларидан упар эдим. Нариди эса 10 ёшли угил бола ва қулида 10 ойлик чақалоқни кўтариб йигит турарди. Шундай қилиб, болаларни кўриб рози бўлдим. Шундай қилиб турмушга чиқдим. Шунга ҳам 5 йил бўлди. «Угай она» ҳақида мақолаларни ўқиганман. Турғи, ҳамма ҳам оналик қилолмайди дейишди. Лекин у қандай аёл, қандай оилада тарбияланган, шунга ҳам боғлиқ деб ўйлайман.

Авалам бор аёл самимий, хушрўй, пазаанда бўлиши лозим. Яна узим ҳақимда ёзсам, болалар билан чиқишиб кетдик. Ҳозир катта ўғлимиз 9-синфда, қизимиз 4-синфда, кичкинамиз 6-да, узим эса яқинда Худо хоҳласа она буламан. Яратган эгам менга, болалар ортидан энг катта бахт-саодат фарзанд беради. Болаларимизнинг онасини руҳи шод бўлсин. У дунёси обод бўлсин. Хар йили хотирлаб болалар билан йўқлаймиз. Мен ашайдиган уй ҳам бор эди. Отам олиб берган эдилар. Икки йилдан сунг шу уйга қайнонамнинг розиликлари билан кучиб кетдик.

Турмуш уртоғим — шофёр. Узи

ёмон одам эмас, лекин охири вақтда ул-бул нарсаларни баҳона қилиб ичиб келадиган бўлди. Ичганда уришмайди, сукинмайди. Аммо руҳан хафа қилиб қуяди. Вақти келса, болаларга ҳам: «Юринглар, кетамиз, бу мени уйим эмас», — дейди. Менга эса «Сен бойсан, мен камбағалман», деб аниқ мақсадини айтмай, ўзи ҳам сиқилади, мени ҳам болаларни ҳам қийнайди. Болалар, «Биз кетмаймиз, онамиз билан қоламиз», — дейишди. Эрим шундай кўнлар индамай чиқиб кетади, эртасига эса ҳеч нима бўлмагандай кириб келади. Бундай ҳолат фарзандларимиз тарбиясига таъсир қурсатмасайди, деб қурқаман.

Бу мактубни ёзишдан мақсад, сал бўлсам юрагимни, дил изҳоримни ёзиб, сизлардан маслаҳат сураш эди.

Авал Худодан сабр-тоқат, инсонини сурайман. Ёзсам гап куп, уйдигилар, жигарларим билан баҳам қуролмайман. Кимгадир айтишим, сирлашгим келди. Шу сабабли сизларга минг бир истихоло билан мактуб ёзишга мажбур бўлдим.

Агарда қимматли вақтингизни олган бўлсам, узр. Сабр билан ўқиб, мулоҳаза юритишларингиз учун олдиндан раҳмат.

Шарифа, Тошкент

МЕҲРИНГИЗГА, МАСЛАҲАТИНГИЗГА ЗОРМАН

Мен ҳали унчалик ҳам катта ёшда эмасман, лекин негадир ҳаётда чарчаб қолганга ухшайман. Тагин яна уч нафар фарзандимни ўйлайман-у, шайтонга ҳай бераман. Негаки, узим уч ёшлигимда ота-онамдан айрилганман. Лекин не қилайки, тақдирим шунақа чигал экан, шур пешона эканман. Биласизми, «Кун қурмаганга-кун йук», — деган мақол шахсан мен учун ёзилгандай.

Мени акам билан янгам катта қилишди. Ҳеч ким уз ота-онангдай меҳрибон бўлолмас экан (қолганларини ёзмасам ҳам булади).

Мен 19 ёшимда турмушга чиқдим. Турмушга чиққаннинг афзаллиги шундаки, саккиз йил ичида уч фарзандли бўлдим. Орқамдан чирокларимни ёқиб қолувчи фарзандларим борлигини хурсандман. Ҳозир ёшим 27 да. Бу ёшга кирганимча не қургуликларни кўрмади бу бошим. Етимликда эзилиб катта бўлганим етмагандай, оила қурганимдан кейин ҳам, бундан баттарроқ кунларни кўрдим.

Эрим билан бир мактабда ўқиб, севишиб турмуш қурдик. Лекин энг ачинарлиси шуки, мен севгига ҳам ишонмай қўйдим.

Турмуш уртоғим менга ўйланганидан олдин катта-катта ваъдалар берган эди. Лекин ҳаммаси пучга чиқди.

Мана саккиз йилдирки, мен жуда ҳам қийналиб яшаб келмоқдаман. Фарзандларим борлиги учун ҳам чидаб келяпман, бўлмаса... Турмуш уртоғим ёмон одамларга қушилиб, ёмон йўлга кириб кетди. Дунёда яхши одамлар куп дейишди. Лекин мен ёмон одамлар кўпроқ экан, деб ўйлайман. Турмуш уртоғимнинг ёмон йўлга киргани, албатта бекорчилигини, ишқўмас, эркакчиликни, деб билсаман. У гиёҳвандликнинг энг юқори поғонасига чиқиб олди. Узи-га-узи уқол қилади. У болалари ва менинг олдимда ҳам, ота-онанинг, акасининг олдида ҳам шу ишларини

қилар эди.

Биз фарзандлар ризқини қийиб, неча бор у кишини даволатдик, ҳеч бир фойдаси бўлмади. «Пулларингни куп сарфламанглар, худо узимга инсоф бермаса, ҳаммаси бир пул», — дерди.

Мен фақат фарзандларимни ўйлардим. Отасининг бу қилиқларини кўрган икки ўғлим келажакда ким бўлиб етишадиган. Гудакларим отасининг олдида нафас олишга ҳам қўрқарди.

Оталарининг мени калтаклаганларини, ваҳши бўлганларини уз кўзлари билан кўриб туришарди. Ва: «Аяжон бу ўйдан кетайлик», — деб йиғлашарди. «Энди қаёққа ҳам борамиз», дердим. Ва бир-икки ойлаб акамларникига кетиб қолардик. Эрим бориб яна олиб келарди ва уч кундан кейин яна шу аҳвол давом этарди. Унга ҳеч кимнинг гапи кор қилмас эди. Менинг эса бор бисотимдан айирди.

Бешта тилло тақинчоқларим, румолларим, биллур идишларим, ҳаттоки қошиқ, вилка, чой қошиқларгача олиб чиқиб сотиб-юборди. Яна ҳар гал бирон нарсани олиб чиқиб кетганидан кейин уч-тўрт ойлаб келмайди. Уша нарсаларни сотиб пулини тамом қилганига қадар уйга келмайди. Пули тамом бўлса, яна бирор улжани излаб келарди. Телевизор, магнитофон, ҳатто фарзандларининг нарсаларини ҳам олиб чиқиб сотиб юборди. Лекин фарзандларига бирор пой пайпоқ олиб берган инсон эмас. Мен фарзандларим учун тишимни-тишимга қийиб яшардим ва ётганимда ҳам, турганимда ҳам эримга Худодан инсоф сурардим. Ҳаттоки, болаларим дастурхонга фотиҳа ўқишса, «дадамага худо инсоф, аямга сабр-тоқат берсин», — дердилар. Эримга мен узим кийим-бош олиб берардим, юриш-туришидан уялардим-да, у шунақини даражага етдики, узининг кийимларини ҳам сотадиған, ёки бўлмаса дорисига алмаштирадиған бўлди.



Узига ҳаттоки ички кийим ҳам ололмас эди. Қайси эркак киши уз хотинининг ички кийимини қияди? Менинг эрим шунақа.

Гапирсам, «бўлмаса, олиб бер», — деб мен билан яна уришар эди. Мен эса чарчадим унга кийим-бош олиб беришдан. Ахир қайси бирини ҳам қилай, рўзгор деганларидек, озиқ-овқатми, болаларимга кийимми, эримга кийимми? Мана саккиз йилдирки, мен эримнинг овқларини ювиб, тирноқларини олиб қўчман. Бу менинг ҳар ҳафтада қиладиган одатий ишим. Эримнинг айтишича ҳамма хотин ҳам хотин бўлганидан кейин шу ишни қилишга мажбур эмиш. Узи ҳеч қаерда ишламайди. Тагин мени ҳам ишлагани қўймайди. Узи уч-тўрт ойлаб ташлаб кетади-да, яна келиб қуриган мушукдан ҳам қучқудан ҳам рашк қилади. Ахир менга иншонмас экан, нима учун ташлаб кетади?

Мен иқтисодий қийналган вақтимида акаларим, укаларимга борардим. Албатта улар қараб туришмасди. Хар томонлама ёрдам беришарди. Опам ошонанда ишлаганлиги учун, озроқ булсада менга ёрдам деб, озиқ-овқат юбориб турарди. Кичик укам пойабзал дуқонда ишлагани сабабли, эрим

га ҳам, узимга ҳам, болаларимга ҳам овёқ кийим унинг бўйида эди.

Эримдан ҳеч қандай фойда йук эди. Ундан фақат зарар қурар эдик. Охириги жанжалимизда мени «ун талоқ» қилганидан кейин кетишга мажбур бўлдим. Нима бўлса ҳам пешонамдагини қураман деб, ўйладим. Мана ҳозир беш ойдан бери кичик акамникида уч нафар фарзандим билан яшамокдамиз. Бизнинг бу жанжалимиз ҳам рашк утида бўлди. Узи эгри бўлгани учун мени ҳам шунақа деб ўйлайди. Мен эримга доимо тушунтирар эдим: «Фарзандларимизни ўйланг, Сизнинг қора қилмишларингиз уларнинг бетиға доғ бўлиши мумкин. Угилларимизга вақти келиб, бирор жойга қиз сураб борсак, улар албатта авал «ота-онаси ким?», — деб суриштиришади. Қизимизга келсак» Онасини кўриб, қизини ол», дейишади. Мен шуларни ўйлаб, ҳеч қачон ёмон йўлга қирмайман, қиролмайман ҳам. Сизга ёлгон айтсам Худого чин-ку, ахир», — дердим нуқул унга.

Мен фарзандларимни яримта қўтган нон бўлса ҳам ҳалол ёйишини хоҳлайман. Биз ҳозир эримдан узоқроқда, бошқа шаҳарда-акамникида яшайпмиз. Мен узим шунга қарор қилдим. Энди ортиқ аввалгидай яшайман, эримдан ажралман. Бу узоқ шаҳарда эримни ҳеч ким танимайди ва болаларимга ҳам: «Отанг ким узи-хов уша нашавадими?» — деб таъна қилмайди. Фарзандларим дадаларини йўқлигига урганиб кетишган, чунки куп марта ташлаб кетарди-да. Мана ҳозир ўғлим мактабга жойлашди, узим эса иш ахтараяпман. Энди шу ерда яшаб қорамиз, деб умид қилаяпман. Болаларим катта бўлганларича қийналсам ҳам майли. Ҳозирча унчалик қийналганим йук, акажоним ҳамма камчиликларини бут қилаяптилар. Лекин акамга раҳиман келади, тонг саҳарлаб туриб кетадилар, кечки пайт алламаҳалда тулиб-тошиб келади-

лар. Машина олиб юрадиган яхши ишда ишлаганлари учун, «қийналмаяпман» дейдилар. Менга ҳам иш топиб бериңг, десам. «Узинг ҳали узингга келиб ол, одамнинг шамолиға йўқиласан-ку», — дейдилар.

Ҳа, азиз дўстлар, эрим соғлигимни ҳам тамом қилди. Лекин ҳозир акамникида турганимдан бери, ҳамма оғриқларим эсимдан чиқиб кетди. Агар мен бузук аёл бўлганимда эди, эримнинг ташлаб кетганларига йиғлаб утирардим ва ёки йўқотган нарсаларимга ичун ачимас ҳам эди. Агар бузук аёл бўлсам, мана неча ойдан бери акамникида утирибман, бирор ножуя ишимни акам ёки янгам сезса, мени қўярмиди. Кунби акам янгам билан утирармиз. Акамнинг ҳам уч нафар фарзанди бор. Янгам ҳам жуда меҳрибон, уз хизматларини, меҳрибончилиқларини акажоним сингари янамайди. Булардан мен миннатдорман. Биздан қайтмаса, Худодан қайтсин, дейман.

Мана азиз дўстлар, жуда қисқа бўлса ҳам менинг тақдирим билан танишиб чиқдингиз. Агар менинг тақдиримни ким ёса бир китоб дoston буларди.

Мен сизлардан илтимос қиламан, азиз муштарийлар, менга маслаҳат бериңг. Фарзандларим учун эрим билан яшаб, ҳаммасига қидашим, эримнинг уй-жойи деб яшашин керакми?

Ва ё тақдирга тан бермай ажралаиб кетишим керакми? Энди бундан сунг унақа одам билан тинчгина яшаш уйишимга сира қузим етмайпти. Ахир инсон дунёга бир марта келди-ку. Ҳеч бўлмаганда болаларим учун яшашим, соғлигимни асрашим керак, деб ўйлайман.

Сиз азиз, меҳрибон кишилардан яна бир бор илтимос, мендан маслаҳатингизни дариг тутманг. Мен сизларнинг қимматли фикр-мулоҳазаларингиз орқали тақдиримни ҳал қилолқийман. Сизлардан умид билан нажот қутиб қолувчи, меҳрга зор синглингузи.

Гулиҳаё

Мен Искандарга жуда ачиндим. Тугридан-тугри мактуб йуллагша қарор қилдим. Зеро, ушбу йуллаган мактубимни, қизнинг онаси ҳам ўқиб курсалар ажаб эмас...

Агар чиндан ҳам Искандарнинг севгиси чин бўлса, уни қай аҳ-

либди. Балки, у йигит чин дилдан севмагандир, ё юлдузлари бир-бирига тугри келмагандир. Ёки уткинчи севгидир. Балки, иккаласининг ҳам айби йўқдир. Ахир ҳамма нарса Яратган эгамдан, тақдирдан-ку. Аммо бизнингча «Сут

БАХТИНГИЗ УЧУН КУРАШИНГ

«ЗОРА, ОНАСИ МЕНИ
ТУШУНСА» — 48-сон

волга тушиб қолганини билиб турибман. Лекин, чиндан ҳам севиб қолган-дирга жуда қийин. Ушбу мақолада икки ошиқ қалб уз севгисига етолмай қийналиб юрганлиги акс этган. Оналарга ҳам жуда қийин-да. Қизларини воёга етказиб катта қилса, турмушга узатганда тиниб-тинчиб кетмаса, онажонлар қай аҳволга тушганларига неча бор гувоҳ бўлганмиз, ачинамиз. Шундай улуг муқаддас она, бош қизининг бахтсиз бўлиб қолганидан ачиниби, килик қизини ҳам бахтсиз бўлиб қолишидан қўриқиб, қизининг севгилисидан билан учрашишини таъқиқлаб куйган. Лекин ҳеч қайси ота-она уз фарзандларига ёмонликни, бахтсиз бўлишни раво кўрмайди. Чик қизим ҳам онасини кунини «урмасин, деган онаизор қалбини, юрагини тушунса бўлади. Лекин уз севгисига етолмай, бошқа бировга турмушга чиқса, қизининг бахтли бўлишига кузи етарми-кан?..

Ахир, севги-дилларга умрбод ҳукмдорлик қиладиган тугру-ку! Қиз бошқа инсонга турмушга чиқди, ҳам дейлик, у ҳар кунни, ҳар дақиқасини куз ёши билан ўтказмасмикан? Қизини бахтсизлик гирдобидан асрайман деб, уйлаган онаизор, жигаргўшасини уз қўллари билан «бахтсизлик» гирдобига итариб юбормаётганми-кан? Хул, катта қизи бахтсиз бў-

либди. Балки, у йигит чин дилдан севмагандир, ё юлдузлари бир-бирига тугри келмагандир. Ёки уткинчи севгидир. Балки, иккаласининг ҳам айби йўқдир. Ахир ҳамма нарса Яратган эгамдан, тақдирдан-ку. Аммо бизнингча «Сут ичиб оғзи куйган, қатикни ҳам пуфлаб ичади», деган мақолага бу борда амал қилмаган маъқул. Ахир ҳамма йигитлар бир хил эмас-ку. Чин дилдан севган киши ҳар қандай қийинчиликларга чидаб, уларни матонату, сабр-тоқат билан енгиб боради-ку. Қизнинг онаси мана шу томонларни ўйлаб қўриб, йигит билан жиддий гаплашиб кўрса, ёмон бўлмасди. Ахир, она ҳам бир вақтлар ёш бўлган. Бошларидан севги-муҳаббат можаролари ўтгандир. Она уз фарзандининг келажакини, бахтини, камолотини ўйлаб кўрса, ёмон бўлмасди.

Искандарга келсак — Бахти учун курашмоғи лозим. Инсон севдимми, бировга кўнгил қўйдими — севги учун, бахт учун тиш-тирноғи билан курашиши керак.

Искандар! Ҳаётда не-не кунлар бўлмайди, не-не кунлар келмайди. Кўп алданган қизлар, йигитлар, севги йўқ, уткинчи экан, қизлар-йигитларга ишонмайман дейишса, йигитлар бўлса, қизларга ишонмайман — дейишади. Йўқ, асло, севги-муҳаббат — бор нарса.

Халқимизда шундай ибратли мақол борки, у ҳам бўлса, ойнаинг ун беши қоронғу бўлса, ун беши ёруғдир. Искандар, сизга мен ниҳоятда гузал, асалдан ҳам ширин, сувдай тиниқ бахт тилайман.

Шоҳида Акмалова,
Тошкент шаҳри

МЕҲР КЎРСАТ, МЕҲР КЎРГАЙСАН

«Қиз бола фарзанд эмасми?» — 46-сон

Бу мақолани ўқиб, нафратим ошиб кетди. Оилада қиз фарзанд туғилса, она айбдорми? Шунчалик калтафаҳм эркаклар борми? Нега ундай эркакларга жамиятимизда урин бор? Нима, бошқасига уйлансанг, угил туғиб берадимми? Номард, аёлинга қара, яхши муомалани, ширин сўзингни аяма, бир кунни угиллик ҳам бўласан-ку, ношукр.

Масалан, менинг олти нафар фарзандим бор. Аллоҳга шукр, беш нафари қиз. Турмуш уртоғим ўқимишли бўлмаса ҳам тушунадиган инсон. (Айрим 5—6 йил ўқиган эркакларни биламан, Худо сақласин). Қизларини жуда яхши кўради. 1989 йил учинчи қизимни (2-си угил) туққанимда озроқ хафа бўлдим. Онаминг эсладим, бир оз йигладим. Шу пайт пенциллилин укол қилишди. Судурги бериб қолди, қон босимим ҳам кўтарилиб кетди. Докторларнинг саяй-ҳаракати билан Аллоҳга шукр, омон қолдим. Эртаси кунни турмуш уртоғим эшитиб, мени койган бўлдилар, ўзингни, болани уйла деб. Турмуш уртоғим хурсанд: «Майли онаси, қиз бола меҳрли бўлади,» — дейдилар.

Мақолага қайтсак, у эркакни ҳам аёл туққан-ку. Онаси бор-ку, Опа-синглиси бордир. Нега акасига, укасига, боласига дашном беришмаган? Учта қиз фарзанд

туғилганда ҳам у оилада жанжал чиққандир, нега маҳалла-куй, хотин-қизлар кўмитасидаги аёллар аралашмади. Ёки аёл бечора ор билиб, номус қилиб ҳеч жойга мурувват этмадимми? Натихада ёшгина жувон оламдан куз юмди. Айби нима — қиз фарзанд туққан-лигимми?! Аллох есин раҳмини. Бечора қизларига ким қарайди. Уз оталари шундай қилгандан кейин, қим мурувват курсатади? Қайси эшикка борадилар, кимни ота дейдилар. Ахир ота-она учун фарзанд, фарзанд учун ота-она керак-ку. Биз оналар фарзанд учун яшаймиз-да, ҳаётнинг қизиги ҳам шу-ку. Одамлар, бир-биримизга меҳрли, диёнатли, оқибатли бўлайлик. Дади булинг, оналар. Шоир Усмон Йўлдошнинг ушбу мисраларини тез-тез эслаб тураман:

Оҳим етсин, десанг агар
Аллоҳга,
Қўл урмоқчи бўлсанг ҳақ
иш, савобга,
Майли бормасанг ҳам
Маккатиллоҳга,
Меҳр кўрсат, ўзинг меҳр
кўргайсан,
Икки дунёнг обод инсон
бўлғайсан.

Роҳила БОБОНОРОВА,
Самарқанд вилояти,
Пахтачи тумани

МОЛУ ДУНЁ ОИЛАДАН УСТУН БЎЛМАСИН

«АЁЛ ЮРГАН ЙЎЛЛАР» — 49-сон

Лобарнинг хатти-ҳаракатларини ҳам оқлаш, ҳам қоралаш мумкин. Бир ўзбек аёли чет элларга чиқиб (агар қонуний олди-сотти ҳужжатлари бўлса) Ўзбекистонга товар олиб келаятган бўлса (Отчопарда дўконни бор, дейилган) тадбиркорлигига, уddaбуронлигига офарин. Мабодо ўзининг иш жойи бўлса-ю, (бу ҳақда ёзмаган) ҳам чевар, ҳам пазанда, уни устига тадбиркор аёл бўла туриб, топаётган молу дунёси хонадон осоийшталлиги, тинчлиги, қувончу шодлигини таъминламаётган бўлса, уни сираям оқлаб бўлмайди. Бизнингча, Лобархон ушанча талантини, маҳоратини ўзимизда ишга солганда ҳам ёмон яшамас эди, чоғи. Ёрматни ҳам оқлаб бўлмайди, ахир у эркак — уз муборак кўргони — оиласини қўриқлаб, осоийшталлигини сақлаб қолиш учун курашсин, маҳорат билан ҳимоя қилсин эди! Бошқа оила қўриб «ширин жонини» асраб-авайлаб яшашни уз хотинига, фарзандига ота бўлишдек бурчдан афзал қўриш марднинг ёки мард отанинг ишимми?!

Ҳар қандай ҳолатда ҳам «уйим-жойим деб» узини ўтга, чўққа, уриб, пул топишдан ҳам қўра аёллик вазифаси-ю бурчимизни

(Ахир биз аёллар Оила ҳаловати-фариштасимиз-ку) унутмаслигимиз керак. Эркакларимизга биз топадиган молу дунё эмас, унинг хонадонини тулдириб, чироғи-фариштаси бўлиб туришимиз кўпроқ ёқади-ку. Буни оқила аёлларимиз асло унутмасликларни зарур.

Чунки хонадондаги ҳеч қандай бойлик, безак, эркакларимиз, фарзандларимиз учун бизчалик қадрли ва зарур эмас. Уларни парваришlash, тарбияlash, ёзозлаш биринчи галдаги вазифамиз бўлмоғи даркор.

Мана бу йил Аёллар йилидир. Келинг, азиз аёллар, меҳнаткашлигимиз, тадбиркорлигимиз, оқила-ю донолгимизнинг барчасини Ойларимизга — дадаси-ю, болажонларимизга, жамиятимиз тараққиётига бағишлайлик.

Молу дунё ортираман, деб оиладан аҳраб қолмайлик. Молу дунё оиладан устун турмасин. Эркакларимиз ҳам аёлларимизни асрасинлар, рўзгорим деб қайишсинлар.

Ўқтамхон РАҲМОНОВА,
Асака тижорат техникуми хотин-қизлар кўмитаси раисаси

Мен рузноманинг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Дилнозанинг бу «Дил изҳори»ни ўқиб жуда таъсирландим. Чунки менинг ҳаётимда ҳам шунга ухшаш воқеа бўлиб ўтган экан. «Утган экан» деб айтишимнинг боиси, Дилнозанинг мақоласини ўқганимда бу нарсани тушунгандай бўлдим.

1996 йилнинг сентябрида Тошкент «Авиасозлар» маданият саройи «Театр ва мусиқа санъати асослари» бўлимига ўқишга кирдим. У ерда Наргиза исмли қиз билан танишдим. Биз тенгдош эдик. Бир ой утар-ўтмас Наргиза билан қандайдир яқин бўлиб, бир-биримизга урганиб қолдик, мен уни севиб қолган эдим. Буни қарангки, у менга уз севгиси-

монсиз кетар эдим», — деб айтган экан. Мен ўқишни битириб оилани, уй-рузгорни тебратишимга 3-4 йил бор эди. Наргиза буни билар эди, лекин нима бўлганда ҳам мени қуттишга ваъда берган эди. Наргиза турмушга чиқди. Мен ҳам ўқишни битириб, яна ҳуқуқшунослик соҳасида ўқишни бошладим. Мен Бонундан хафа эмасман. Чунки ҳаётда ота-она биринчи уринда туради, уларнинг гапини ерда қолдириб бўлмайди.

Хуллас, Дилнозага айтмоқчи бўлганим, сизнинг қилган ишингиз ҳозирги ҳаётим томондан фикр юритсак, туғри. Унинг акалари, сингиллари, квартираси ўзбекчиликка туғри келмайди, —

ТАҚДИРГА ТАН БЕРИБСИЗ.

«АЙРИЛИШИМИЗ АНИҚ ЭНДИ» — 2-сон

ни биринчи бўлиб айтди. Биз 6 ой гаплашиб юрдик, гўёки, биздан бахтли одам йўқдай эди, дунёда.

Бир кун Наргиза менга бошқа бир йигитни севиб қолганини айтди, аввалига ишонқирамадим. Афсуслик, шундай экан. Дунё кўзимга тор бўлиб қўришиб кетди, севгига ҳам ишонч йўқолди. Наргизага сунгги бор кўнгироқ қилганимда, «Сиз ҳали мени тушунмайсиз, вақти-соати келиб тушуниб қоларсиз», — деб айтган эди. Кейин билсам, ҳалиги у севиб қолган бола унинг синфдоши экан ва мени ўзидан совитиш учун атай шундай қилган экан. Уша пайт, Наргиза оилада беш қизнинг энг кенжаси, ҳамма оналари турмуш қурган, ота-онаси эса Наргиза Бонунинг тўйини қўриш ниятида юришарди. Унинг ёши 18 да эди, отаси (Аллох раҳматига олган бўлсин) оғир касал бўлиб ётганида «Қизим, сенинг тўйингни курсам, бу дунёдан ар-

дебсиз. Лекин севги-муҳаббат буларнинг ҳаммасидан устун турмайдими? Уй, мол-дунёни топса бўлади, лекин соф муҳаббатни топиш осонмикин? Менинг фикримча, энди севиш ёки севилишидан олдин ҳамма ишни ҳал қилиб, оиласини, имкониятларини ҳисобга олиб, кейин ҳар хил муаммолар вужудга келганида, угил-қизлар қийналиб юрмаслиги учун, олдиндан ҳамма-ҳаммасини ҳал қилиш керак экан-да. Балки фикрим нотўғридир, аммо қанчадан-қанча ёш угил-қизлар шунга ухшаш муаммоларга дуч келганида нима қилишни билмай айрилик азобида қийналиб юришибди.

Дилноза, сиз бу сўзларимни туғри тушунинг, мен сизни нотўғри иш қилибсиз, демайман ва дейишга ҳам ҳақим йўқ.

Менинг фикримга қўшилисанми? Хулоса чиқардингизми?

ДАВРОН

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Нафизатон Мирзахимова!



Сени тугилган кунинг билан кутлаб, узоқ умр, бахту саодат тилаймиз.
Дугоналаринг — Назокат ва Нодира

Хурматли Хусан Мирзахитиновни Мирзаев!

Сизни тугилган кунинг билан чин дилдан кутлаб, бахт, омад ва кувонч хамрохингиз булсин!
Тошкент шаҳар ер ости муҳандислик коллекторлар бошқармасининг «Марказ - 14» бўлимидаги хамкасбларингиз

Суюкли новарам Ихломжон Эмураев!

Сени 5 февраль 12 ёшга тулганинг билан табриклаймиз. Узоқ-умр, соғлиқ, келгуси уқишларингизда омад тилаймиз.
Ойинг, катта даданг, Гулбахор холанг, Бахтиёр аканг, Дилмурод жиянинг

ЭЪЛОН

Сифатли шим тикиш учун буюртма оламан:
Тел: 48-55-90.

Маслаҳатхона

ТАЙЁРЛАНИШИ ҚУЛАЙ ПИШИРИҚ

Базида биз шундай ширинлик тайёрлаймиз. Бунинг қулай томони шундаки, уни пишириб утирмайсиз. Масаллигига 0,5 кг. «Юбилей» печеньеси, 0,5 кг. творог, 150 грамм сариёғ, 200 грамм шакер, 2 ош қошиқ какао, бир стакан майиз, шунча сут керак бўлади.

Творогни сариёғ билан аралаштирасиз. Кейин уни иккига бўламан. Ярмага какао, ярмига майиз қўшиб яхшилаб аралаштирасиз. Печеньеани сут билан ивйтилади. Ҳалиги тайёр массани (печенье хамир) орасига солиб сувқоғоз билан ураб музхонага қуюсиз. Ярим соатдан кейин олиб паррак-паррак шаклида кесиб дастурхонга тортишингиз мумкин.

ҲАМИДА

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» УГИТНОМАСИ

Кимки булса порахур, текин тамок, Унинг жазосини беради қамок.

Топсанг гар текиндан пул, Бор-йўгинг булар кул.

Текинтамокнинг кўпайса пули, Охир булар у бойлиқнинг кули.

Айримларнинг қилиги худди тулки, Бундайлар охири бўлади кулки.

Туйинг доврғи одамга етди, Охири топган обруйи кетди.

Раҳбар солса, данғиллатиб қаср, Қонун олдида бир кун у асир.

Кек одамни кемиради, Занг темирни емиради.

Пасткаш, ноқасдан ҳеч қарз олма, Сунг узингни қайғу ва ғамга солма.

Нурбек РАҲИМ Ҳайдаров,
Фаргона вилояти, Ёзёвон тумани

Хурматли отақонимиз
Хидрат Шанирқови Илҳов!



Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Доммо соғ-саломат юришингизни истаймиз.

Рафиқангиз ва фарзандларингиз — Худойберди, Дилшод, Ахрор, Нигора

Азиз отақонимиз
Ғийосиддин Досметов!



Сизни таваллуд кунингиз билан табриклаймиз. Бахтимизга соғ-омон булинг.

Фарзандларингиз — Лола, Дилдора, Гўзал, Равшан

Қадридоним Ғлубек!



Сени 3 февраль тугилган кунинг билан табриклаймиз. Ота-онанг хамиша камолингни куриб юришин.

Аяқонинг, дадақонинг номидан — опанг Нигора

Хурматли Шоншўлаб Маҳаматов!



Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Узоқ умр, соғлиқ тилаймиз.

ОИЛА АЪЗОЛАРИНГИЗ

Отақонимиз Меҳризон Ошмбоев!

Сизни тугилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз деб

турмуш ўртогингиз

Жаҳонгир ва

фарзандларингиз

Санобар, Наргиза,

Гулноз ва Умиджон

Рус миллатига мансуб ёш қиз уй ишларини ба- жаршиши ва анағалик хизматини

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Тел: 50-91-54

Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акциядорлик жамияти меҳнат фахрийси Дилором Шотурсуновага волидаи муҳтарамаси **ҲАМРОХОН** ая вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



УЗОҚ ЙИЛЛАР КУЗАТИШИМЧА...

Студентлик йилларим бошланиб Тошкентга келганимдан бери, мен учун энг азиз бўлган, мен тугилиб усган, ҳозир эса меҳрибонларим яшаётган муътабар жой — Самарқандни соғиниб юраман. Кўпинча тушларимда кураман. Уйдан узоқда яшаганингиздан кейин бирор туш курсангиз ҳам, нима учун бундай туш кўрдима? — деб ўйлаб юрар экансиз. Узим курган тушларни ҳам кўп кузатганман. Тўғриси, туш куришни яхши кураман, нима учундир менинг назаримда тушлар инсоннинг иккинчи бир ҳаёти деб эркин ва сирли ҳаётдек бўлиб туюлади. Чунки биз уйку-

га кетдик, танамиз ором олаёпти, яъни ухляёпти. Шунда биз қандайдир гаройиб ҳолатга яъни туш куриш ҳолатига ўтамиз. Тушда ҳам гаплашамиз, кулашамиз, йиғлаймиз, яшаймиз-ку, ахир! Баъзан уйғониб ҳам курган тушимиз таъсиридан қанчалар вақт чиқолмай юрашим.

Севимли газетамизнинг «Туш таъбирномаси» мени ҳам қуйидаги ун етти йил кузатган ва ҳар доим бир хил қайтариладиган туш таъбирини йўлламоққа ундади. Агар тушимда сочимни тараётган бўлсам, албатта 1-2 кун ичида Самарқандга ёки бирор жойга йўлга чиқаман. Агарда ойнага қара, юзимни равшан чиroyли куриб соч тарасам,

сафарим қувончли, обрўиззатли булган.

Об-ҳавонинг совуқ кунларини ҳар ҳолда ёқтирмайман. Кунлар узғариб, совий бошлаган кезлар тушимда «совуқ» мевалар есам, (узум, бодринг каби) кунлар янада совийваради. Агарда, тушимда (ёнғоқ, бодом каби) «ис-сик» мевалар есам кунлар тезда узғариб исий бошлайди. Тушимда қалам ёки ручка топиб олсам, ёки кимдир берса «ёзув-чизув» ишларим юришиб кетади ёки аксинча. Бу уч хил таъбирни ун етти йил давомида кузатганман.

Дилором МУРОТОВА

ОПАТЯСОННИМЧА БОҚИЙ УМР ТИЛАЙМАН

Турмуш ўртоғим 1987 йили вафот этган. Ҳозирги кунда мен уч фарзандимни узим тарбиялаб, вояга етказдим. Улар ишлайди. Отам уйда истикомат қиламиз. Мен буш вақтларимда шеърга ихлошим борлиги учун ёзиб тураман. Яқинда «Оила ва жамият» газетасига қузим тушиб қолди. Сунг қизимга мана шу газетадан олиб келиб тургин, унда яхши ёзилган ҳаққоний

мавзулар кўп экан, — деб тайинладим. «Дунёда бор экан муҳаббат», «Ҳаёт давом этар такрор ва такрор», — деб номланган мақолаларни қизиқиб ўқидим. Айниқса, менга шу иккаласи жуда таъсир қилди. Ҳаттоки шундай олийжаноб инсонлар борлигидан қувониб йиғладим.

25 январь куни отамнинг тугилган кунлари эди. Улар менинг ва фарзандларимиз-

нинг бош панҳи, биз учун дунёдаги энг табаррук инсон. Агар қарши бўлмасангиз уларга дил сузимни газета орқали билдирсам.

Хурматли адақоним Маҳкамбой Ортықбоев Зокиржон угли!

Сизни 69 ёшингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга Аллоҳдан сиҳат-саломатлик, боқий умр, болаларингизнинг роҳатини куриб юришингизга тилақдошман.

Қизингиз Васила ва набираларингиз Абдумалик, Озода, Абдували

Сўраган эдингиз

ХУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

лиш учун бериладиган таътил даврида тулик иш ҳақи микдориди ҳомилдорлик ва туғиш нафақаси туланади. Ушбу давр иш стажига қўшиб ҳисобланади. Бундан ташқари бир бола туққан аёллар туққунга қадар 70 календарь кун ва туққандан кейин 56 календарь кун муддати билан ҳомилдорлик, туғиш таътиллари берилиб, нафақа туланса, икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда туққунга қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин ҳам 70 календарь кун таътил берилиб нафақа туланади. Эгизак бола туққан аёлларга бошқа имтиёз ва янгиликлар афсуски белгиланмаган.

Савол: Ногирон болалар шифо топгандан сўнг, ўқийдиган махсус мактаблар борми?

О. Ёқубова, Қамашчи тумани.

Жавоб: Ҳозирги кунда Республикада Халқ таълими вазирлиги тасарруфида ногирон болаларнинг айрим тоифалари учун (масалан: карсоқовлар, кузи ожизлар) мўлжалланган махсус мактаблар мавжуд. Таянч-ҳаракатланиш аъзолари шикастланганлиги натижасида ногирон бўлиб қолган болалар худди бошқа соғлом болалар сингари урта мактабларда таҳсил олади.

Азим Музаффархонов,
хуқуқшунос



Савол: Хукуматимиз томонидан эгизак болали оналарга қандай имтиёз ва янгиликлар аририлган?

С. БАРАТОВА,
Узун тумани

Жавоб: Фойдаланилаётган амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эгизак болалар туққан ва парвариллаётган оналарга худди бошқа оналар сингари бола туққанда фарзандларининг фақат биттаси учун белгиланган микдорда суюнчи пули туланади. Болани 2 ёшга парварил қи-

— Дилбар, биласиз-а, Алпомишда шундай сатрлар бор... Сизга ва «Оила ва жамият»-ингизга узгача хурматим, меҳрим бор. Сиз кунгирок қилиб, бугун-Ўзбекистоннинг фахрига айланган Ибро-

БЎШАЛСА ЎЗАДИ,

ҳим Ҳамроқулов деган шахматчи йигит ва унинг оила аъзолари ҳақида иложи борича қисқа ва ширин бир нарса ёзиб беришимни сўрагач, суюнч ва фахр билан розилик билдирдим.


Ишхонамдан атиги 10 та уй нарида экан Иброҳимнинг хонадони. Самарқанд буюк воқеаларга шунчалик кўникиб кетганки, биргина шу маҳаллада Гури Амир мақбараси бор, масжитлар бор, Юсуф Харрот чойхонаси бор ва Испаниянинг Арапеса шаҳрида ёшлар уртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган 17 ёшли ўсмир Иброҳим Ҳамроқулов оиласи бор. Бу кичик бир маҳалладаги мен эшитган буюкликлар. Асрлар қатида пинҳон қанча сир-синоатлар борлиги Яратганнинг узига аён...

Дилбар, Самарқандимиз шунақа Хизр назар солган, дуо кетган юрт!

Чойхонага бориб, шахматчи Ҳамроқуловларнинг уйи қайси деса, ҳамма кўрсатиб қўяр экан. Ниҳоят, учинчи бор борганимда Иброҳимнинг аясини учратдим:

БОРИГА ШУҚР ҚИЛАМИЗ.

- Ассалому алайкум, чемпионнинг онаси сизмисиз?
- Келинг, келинг, ҳа, мен...
- Уйга кириб, суҳбатни бошладик:
- Исмингиз, қаерда ишлайсиз?
- Ҳабиба Иноятова, тиббий ҳамшира.
- Неча ёшдасиз?
- Қирқ учда.
- Болаларингиз ҳаммаси шахмат уйнар экан.
- ларнинг дарси нима бўлади?
- Аввал дарсни қилишади. Ҳаммалари аълочи. Сунг шахмат уйнайдилар. Дадаси қаттиққўл. Дарс тайёрламаса, қўймайди. Болаларимнинг ҳаммасини 6 ёшдан мактабга берганлар. Журабегим эса беш ёшида борди мактабга.



этайтган набиралари Иброҳимжон, Журабекларга омад, соғлиқ тилади.

— Эна, Сизни ким дейишади? Нечага кирдингиз? — Суҳбатимиз бошланиб кетди.

«ИСПАНИЯДА МАДҲИЯМИЗ ЯНГРАДИ»...

- Мен Гйёсова Сабоҳатман, етмишга кирдим.
- Бувам ҳаётларми?
- Йўқ! 24 йил бўлди дунёдан ўтганига. Етти йил пронтда бўлган. Пронтавикнинг аёлиман.
- Ҳа-а, болалар қанча?
- Уч ўғил, уч қизим бор. Шаҳобим шахмат уйнашни чойхонада ўрганган. Сунг ҳамма ука-сингилларига ўргатди.
- Улар ҳадеб тахтага тикилишса, жаҳлингиз чиқмасми?
- Ҳа, айтардим, нима фойда шундан деб.
- Фойда йўқанми?
- Боракан, бирорта болам ёмон йўлга юрмади. Ҳаммаси эслихушли. Самарқанддек шаҳри азимнинг қоқ юрагида туғилиб ўсишди. Ёмон болаларга қўшилмади. Гапимдан чиқмади. Мана энди жуда кўп Сизга ўхшаганлар излаб келиб юрибди...
- Шаҳоб маҳаллаимиздаги кўп йигит-қизларга ҳам ўргатди, хунарини.

— Иброҳимжон Испанияда 16 ёшлар уртасида жаҳон чемпиони бўлди. Узоқ бир юртда Иброҳим тўфайли Ўзбекистон мадҳияси янгради. Бу юртни билмаганлар билди.

— Худого шуқр! Илоий ёнгинамизда ётган Амир Темурибувнинг, улуғларнинг руҳлари қўлагани чин бўлсин! Шу Иброҳимди ишқи бор шахматга! Ишқи бор! Ишқи бўлса, уни ҳеч ким тўхтолмайди-да. Аммаси Мавжудани қўймай уйқудан уйғотади, болам. Туринг, шахмат уйнайлик, деб.

Испаниядан улоқ олиб келганди вилоят ҳоқими қақриб, телевизор, видеомангитафон берди, раҳмат. Гилам ҳам берди. Ўғлим Шаҳоб, жуда ориятли. Арзга боришга, уй сўрашга қўймайди мени. Сафарда бўлганида бораймикан-а? Эшитиб қолса, мени арзим ўтмаса, сунг орияти келадими, боламнинг деб қўрқаман.

Суҳбатимизни жимгина эшитиб турган Иродани суҳбатга тортман:

«ИБРОҲИМЖОН РАҚИБЛАРИДАН ҚЎРҚАДИМИ?

- Ирода Иброҳим қайси рақибдан қўрқадими,
- Ҳеч кимдан қўрқмайди. Узига ишонади.
- Устозларинг ким?
- Дадам ва Мавжуда аммам. Дадам Шаҳоб Ҳамроқулов Ёшлар спорт мактабида ўқитувчи. Ўзбекистонда хизмат қўсатган мурабий. Аммам аслида математика ўқитувчиси. Дадам билан бир жойда ишлайди. Ўзбекистонда аёллар шахмат мусобақасида неча бор

- Уй ишларига ёрдамлашадими?
- Шаҳарда нима иш бор? Мол-ҳол бўлмаса. Мана, қизларим ишдан келгунимча овқат тайёрлаб ўтиришибди.
- Болаларга шахматни ким ўргатган?
- Дадаси, Мавжуда аммаси.
- Сиз ҳам биласизми, тушунасизми?
- Йўқ, билмайман... Мендан бошқа ҳамма билади.
- Болалар шахматни қайда уйнашади?
- Манави столда.
- Уй жуда тор-ку?
- Бошқа иложимиз йўқ.
- Сафарларда юришининг узи бўлмаса керак? — Албатта, Аксарият ҳолларда дадаси бирга боради. Баъзан сафар харажатларини бориб келгандан сунг беришади. Журабегим жуда ёш. Вақтида овқатландимикин, соғлиги қандай экан, деб хавотирда ўтираман. Келгунларича аҳволини билмайман. Аяжоним (қайнонаси) дуо қилиб ўтирадилар. Собиқ Иттифоқнинг ҳамма мамлакатларида, Испания, Ҳиндистон, Франция каби унлаб улкаларда бўлишган болаларим.
- Йул харажатлари қийнаб қўйса керак? Давлат бергани у бу

ЎЗБЕКНИНГ ОТИ...

сарфлар учун етмайди-ку?

— Йўқ. Дадаси узоқни уйлаб иш қилади. Болаларнинг ўқиши, ўрганиши, машқлари учун ҳеч нимани аямайди. Толганини шуларга сарфлайди. Борига шуқр қиламиз. Қаноат энг катта бойлик, деганлари эсимга тушади.

- Ҳабиба, оилангиздан хурсандмисиз?
- Худого шуқр! Болаларим ҳаммаси меҳнатқаш, ақлли, аълочи.
- Сабаби нима дейсиз?
- Дадаларининг меҳнати-да, ҳаммаси. Шахматни ҳам узлари ўргатган.
- Хонага калта буйли, юзларидан нур ёғилиб турган, оппоққина кампир кириб келди.
- Аямлар... (шипшиди, Ҳабиба).
- Э, келинг энажон. Ассалому алайкум.
- Кампир келиб қучоқлади. Ўтириб дуо қилди. Аввал, излаб борганим учун шекилли алқади, сунг Москвадаги Халқаро шахмат мусобақасида иштирок

голиб бўлганлар.

- Сиз-чи?
- 1996 йил аёллар уртасида I лигада II ўринни, 1998 йил Олий лигада III ўринни олдим. Миллий спорт устасиман.
- Орзуингиз нима?
- Халқаро спорт устаси бўлиш, жаҳон биринчилигини олиш. Венгриялик шахматчи, гроссмейстер

Юдит Польгирга ўхшагим келади. 23 ёшли бу аёлга эркалар ҳам тан берган.

- Иброҳимнинг орзуси нима?
- Халқаро спорт устаси унвони бор. Гроссмейстер бўлмоқчи.
- Қаерда ўқийсизлар?
- Мен СамДУ жисмоний тарбия факультетининг II курсида, Иброҳим I курсида ўқиймиз. Биз бошқа фанларни ҳам севаимиз. Бу факультетга имтиёз билан қабул қилинганмиз. Аммо бошқа факультетни орзу қиламиз.
- Ҳа, айтганча, Шаҳноза ва кенжатои Журабек ҳақида сўрамаман.

— Шаҳноза — Республика ўсмирлар ўйини голибаси, аёллар уртасида Ўзбекистон чемпионатининг Олий лига баҳслари қатнашчиси.

Кенжатоимиз Журабек 10 ёшда. Спорт усталигига номзод. Осие биринчилиги совриндори, ўсмирлар уртасида Ўзбекистон чемпиони. Ҳозир Москвада Иброҳим иккаласи Жаҳон шахмат олимпиадасида иштирок этишяпти. Журабек жуда зўр ўйинчи. Ундан умидимиз катта!

Ҳа, Иродаой, Сизлардан Ўзбекистоннинг умиди катта. Илоҳим Сизлар иштирок этган ўйинларда улоқ насиб этсин. Шохсупаларга шўх бўлиб, малика бўлиб кўтарилинглар. Сизлар тўфайли юртимиз улуғлансин. Ўзбекистон байроғи энг баландда ҳилпирасин. Бугунимизнинг Барчинойлари, Алпомишлари Сизлар бўласизлар.

«Бўшалса ўзади, ўзбекнинг оти».

Ўзбекистонга хушхабар келди. Уғлонларининг оти ўзибди! Москвадаги шахмат буйича ёшлар ва ўсмирларнинг Халқаро мусобақасида Иброҳимжон 1чи, Журабек эса 2чи ўринни олишди. Ҳамроқуловлар оиласининг йигитлари узини қўрсатди.

Ўзбекистон суюнсанг, арзийди, болаларингга. Самарқанд суюнсанг, арзийди, болаларингдан. «Оила ва жамият»нинг келгуси сонларидан бирида қаҳрамонларимиз билан суҳбатимизни ўқийсиз.

Ҳосият БОБОМУРОВА

